

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

2013 йил 4 июнь • сешанба № 22 (862)

"Биз — баркамол авлодмиз!" ўн кунлиги давом этмоқда

Болаларга беринг дунёни



Республикада 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кенг нишонлади. Пойтахтимизнинг Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Эртанинг буғидан бошлади" мавзuida ўтказилган байрам тадбири ушбу қувончли санага бағишланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат бирашмалари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган. Унда Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари иштирок этди.

Ташкилотчилар томонидан болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва подаяват потижорат ташкилотлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида фаол қатнашган иштирокчиларга бола ҳуқуқларига оид буклетлар, дисклар тарқатилиб, ҳуқуқий саводхонлик бўйича ўтказилган викторина ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

БОЛАЛИК... Инсон ҳаётининг шошқалоқ, энг тоза, бегубор, олтинга тенг давридир. Аммо инсон вақт олдида ожиз. Ёшимиз ўлғайиб борар экан, бегуборликка бой болалигимизни энди қайтаролмаслигимизга ачинамиз. Ҳар лаҳзада згуликни болалик хотираларидан излаймиз. Боладек бегубор қалб билан яшагимиз келади. Таниқли шоирлардан бири Нозим Ҳикмат: "Болаларга беринг дунёни, ҳеч бўлмаста бир кунга", деганида катта ҳикмат борлигига иномамиз.

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари таъкидлаганидек: "Олдимизда турган энг згу мақсадларимиз-мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваломбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Не-

28 май — 3 июнь кунлари
"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида "Хар бир болага меҳр, эътибор!" махсус ҳафталиги ўтказилди.
1 июндан эса "Биз — баркамол авлодмиз!" ўн кунлиги давом этмоқда

гаки, фарзандлари баркамол, ёшлари билимдон ва ватанпарвар бўлиб улғаяётган давлат қудратли, халқ кучли бўлади. Қолаверса, бугунги шиддатли даврда миллат ва халқ тақдирини моддий бойлик эмас, маънавий-марифий бойлик ҳал қилади".

Мустақил тараққиётимиз жараёнига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган 21 йилдан ортиқ даврда асрга татиғулик йўлни босиб ўтдик. Ўртимизда кечаётган ислохотлар дастава-лида жисмонан соғлом, маънавий етук, ақла-заковати юксак, мустақил фикрлайдиган ва келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўнали-шига айланди. Айниқса, "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Баркамол авлод йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурларида соғлом оила-ни шакллантириш, давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эъти-борни ва ғамхўрлигини кучайтириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эъти-бор қаратилди. Шунингдек, Ўзбекистонда бо-лалар ҳуқуқларини, жумладан, фаровон, со-ғлом ҳаёт кечириш ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди. Хусусан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимиз ра-тификация қилган дастлабки халқаро ҳужжат-лардан биридир. Истиқлол йилларида бу со-ҳага тааллуқли 14 та қонун, шу жумладан, 2008 йил 7 январда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, давлат-тимиз раҳбарининг қатор Фармон ҳамда қарорлари, юздан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Қолаверса, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, "SOS — Ўзбекистон бола-лар маҳаллари", "Sen yolg'iz emassan", "Бо-лалар спортини ривожлантириш", "Республи-лика болалар ижтимоий мослашув маркази" сингари жамоат тўғилмалари, "Болалар фон-ди", "Камолот" ЕИҲ, "Соғлом авлод учун" хал-қаро жамғармалар миллат шайни ва ғурурини дунёга танитадиган соғлом авлодни тарбия-лашга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ке-ракки, айни кунларда мамлакатимиз келажаги бўлган болаҳонлар-нинг ёзги таътил мавсуми бош-ланди.

2

Тадбир

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият
эканлиги яна бир бор эътироф этилди

ЯҚИНДА Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ҳамда ИИВ Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти билан ҳамкорликда "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тартибга солуви инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тавсифи" мавзuida семинар-тренинг ўтказди.

ИНСОН ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ходимлари, билим юрти курсантлари, ИИВ Академияси, Тошкент давлат юридик институти, Жа-ҳон иқтисодиёти ва дипломатия уни-верситетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда нодавлат ташкилотлар ва омма-вий ахборот воситалари вакиллари иш-тирок этган мазкур шартномада тинглов-чиларга халқаро шартномалар асосида республикамиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини соҳасида инсон ҳуқуқлари бўйича хал-қаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро ҳам-корлик каби масалалар бўйича маъруза-лар қилинди. Хусусан, ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Ил-ҳом Турғуновнинг "Ўзбекистон Респу-бликаси ички ишлар идораларининг ин-сон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича вазифалари", ТДЮИ до-центи Гавҳархон Юлдашевнинг "Хал-қаро шартномалар асосида хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-нинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш" номли маърузалари ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, тадбирда таъкидлангани-дек, мамлакатимизда изчил ва тизимли давом этаётган демократик ислохотлар-нинг асосий мақсади — инсон ҳуқуқла-ри ва эркинликларини муҳофаза этиш ҳамда таъминлашга қаратилган. Унинг

Ўқув-машғулот

ҲОЗИР дунё шунчалар мураккабки, зийрак-ликни, огоҳликни бир зум йўқотган миллат, жамият оғир муаммоларга дуч келиши мумкин-лигини ҳаёт кўп бор исботлади. Бизга яқин ва узок мамлакатларда содир бўлган ва бўлаётган тўс-тўполон, ғалба, турли номдаги инқилоблар бунга яққол мисол бўла олади.

Тинчлик қадри хар нарсадан улуғ

— БУ қонли воқеаларнинг бизга дахли йўқ, деб ўйласак, катта хато қиламиз. Чунки бугун дунёнинг бир бурчагида чиққан ўт эртага бошқа бир ҳудудда тақдорланмаслигига ҳеч ким қафо-лат бера олмайдди. Ҳаммамизга аёнки, бу каби воқеаларнинг бурчма-бурчлари, ташкилотчилари бор, — дейди Адлия вазирлигида ўтказилган ўқув-машғулотнинг наватбдаги меҳмони, Ўзе-бекистонда хизмат қўрсатган журналист, "Ўзе-бекистон овози" ва "Голос Ўзбекистана" газеталари-нинг бош муҳаррири Сафар Остонов.

Дарҳақиқат, ён-атрофимиздаги узок-яқин мам-



лакатларда қалтис ва-зият кузатилаётган бир пайтда, юртимиздаги тинчликни асраш ҳақида ўйлабмаслик, ҳар бир фикри уйғоқ киши учун ҳос эмас. Ахир, эришган ютуқларимиз, энг аввало, тинчлик-нинг неъматини эканлиги-ни билишимиз, унинг қадрига етишимизни давринг ўзи кўрсатиб турибди.

Тинчликка раҳна солувчи диний ақидапараст-лик, терроризм, маънавият ва қадриятларимизга қилинаётган таъвозуларга қарши туришимиз, улардан фарзандларимизни, ёшларимизни ас-раш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи ло-зимлигини тадбир меҳмони яна бир бор таъкид-лади.

Мазмун ва мушоҳадага бой ўтган мазкур тад-бир йиғилганларни огоҳлик ва сергакликка яна бир бор даъват этди, десак янглишмаймиз. Буни уларнинг сўхбат давомидаги фикр ва мулоҳаза-ларидан ҳам билиш мумкин.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси



4



4

Мулоқот

Адлия вазирлигида учрашув

БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси Иван Симонович раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Нигматилла Йўлдошев билан учрашди.



УНДА таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борила-ётган кенг қамровли ислохотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шайни ва қадр-қим-матини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби ғоялар бош мақсад сифатида мустаҳкамланган. Ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим жиҳатлари — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий тизим мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Адлия вазири мустақиллигининг ўтган қисқа даври мо-байнида мамлакатимизда мазкур йўналишда кенг қўла-ли ҳуқуқий база шакллантирилганини, Ўзбекистон Кон-ституцияси суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш ҳамда демократлаштиришда асос вазифасини ўтаётган-лигини таъкидлади.

Эътироф этилганидек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик халқаро шартномалар талаб-ларига тўла мос ва мутаносиб равишда изчил ривожлан-моқда. Давлат мустақиллигига эришганимиздан буён мам-лакатимиз парламенти томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор халқаро ҳужжатлар, БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид асосий 6 та ҳужжат ратификация қилинди. Умуминсоний тамо-йиллар мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топти. Жумладан, бугунгача фуқароларнинг шахсий, си-ёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунларнинг қабул қи-линиши, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартно-маларнинг асосий қоидаларига тўла мослаштирилган.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда қонунчилик, суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларни тақомиллаштириш юзасидан тизимли ва изчил ислохот-лар амалга оширилди, фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизим шакллантирил-ди. Конституциявий нормаларни амалиётга таъбиқ этиш юзасидан сайлов, сиёсий партиялар, нодавлат ва диний ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштиришга қаратил-ган бир қатор янги қонунлар қабул қилинди.

Ўз навбатида, Иван Симонович Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилаётганлигини, бу борадаги ҳамкорлиқни ри-вожлантириш томонлар манфаатига бирдек хизмат қи-лишини қайд этди.

Учрашувда меҳмонларга адлия органлари ва муасс-салари фаолияти, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Қонун моҳияти

Ислохотлар самараси

МАҲАЛЛА институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, "Обод турмуш йили" Давлат дасту-рининг мақсади ва вазифаларини ҳаётга таъбиқ этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳама-тини ошириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, уларга зорур қўмак бериш, маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада тақомиллаштириш, ёрдамга муҳтож оилаларга манзилли ижтимоий қўмаклашиш, оилавий бизнесни ривожлантиришда маҳалланинг ролини ошириш йўлида муҳим ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди.

МАТЕУОТДА эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси-нинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни ҳам Концепция ва "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифа ҳамда мақсадларни қўзда тутган бўлиб, бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувват-лаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривож-лантириш марказига айлантириш, шунингдек, уни давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик на-зоратини олиб бориш тизимидаги белгиланган вазифа кен-гайтиришнинг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилганлиги билан алоҳида эътиборга молик.

Янги тақрирда қабул қилинган Қонунга мувофиқ фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг иж-тимоий очор қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан бир-галикда ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалар, ёлғиз пенсиясиз фуқаролар ва ногиронларни аниқлаш; ўш ҳудудда яшовчи фуқароларнинг бандлигини таъминлашга қўмакла-шиш билан боғлиқ нормалар белгиланган.

Қонунга киритилган яна бир муҳим нормалардан бири бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз ҳудудда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, унга асосан фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик, хусусан, оилавий тадбиркорлик ва ҳўнар-мандчиликни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказларини ташкил этишга ҳақли эканлиги қа-фолатланди.

Эндиликда маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ваколатла-ридан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини субъект-ларини, шу жумладан, аҳолига маъийш хизмат кўрсатуви ташкилотларини ташкил этиши, қайта ташкил этиши ёки тугатиши, шунингдек, тегишли ҳудуд доирасида жойлаш-ган тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кре-дитлар олинишида белгиланган тартибда қафил бўлиши мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топти.

Қонунга яна бир муҳим ўзгариш ва қўшимчалар кири-тилиб, унга қўра, жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш; тегишли чоралар қўрилиши учун дав-лат органларига мурожаат этиш; давлат органлари вакола-тига қўрувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўй-ча сўров юбориш орқали амалга оширилади.

Умуман айтганда, қонунда белгиланган нормаларнинг барчаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўшимча ваколат ва вазифалар юклаши билан бирга, энг муҳими, маҳалла раиси ва фаолларидан давлат бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлиқни кучайтириш, қонун билан кафолатланган ҳуқуқлардан тўлақонли фойдаланиш, мажбурият ва масъулиятни унутмаслиқни талаб этади.

Ўрол ОСТОНОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

Нотўғри маълумот билан

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА тутилиб, камол топаётган ёшларнинг бахти уларга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ва ана шу эътиборга муносиб бўлиш ҳисси юклаган масъулиятга намоён бўлади. ТДЮИ қошидаги академик лицей педагогик жамоаси ва ўқувчи-ёшларининг ҳаёти, орзу-ўйлари ҳамда интилишлари билан танишиб, ана шу масъулиятнинг амалдаги ифодасига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Келажак — ёшларники

Озод элнинг орзулари осмон бўлмай

БИНОБАРИН, 908 нафар ўқувчи тахсил оладиган, 64 нафар малакали ўқитувчи фаолият юритадиган ушбу таълим муассасаси ҳақида битта мақолада баътафсил тўхталишнинг имкони йўқ. Ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол, замон талабларига мос йигит-қизлар этиб тарбиялашга академик лицей ҳодимлари масъулият билан ёндашади. Шу боисдан лицейда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқитувчилар асосан ишга танлов йўли билан қабул қилинади.

— Ўқитувчи ўз фанини чуқур билимоғи, ўзига ва ўқувчиларга талабчан бўлиши, ибрат қўрсата олиши даркор. Биз педагогларнинг нафақат ўз соҳаси, балки замонавий таълим технологиялари, хорижий тилларни ўрганиш бўйича ҳам малакасини оширишга жиддий эътибор қаратаймиз, — дейди академик лицей директори, юридик фанлар номзоди Шохназар Бобокулов.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини самарали ўтказиш, уларнинг интеллектуал қobiliятларини юзага чиқариш мақсадидан академик лицейда фан ва спорт тўғрисидаги фойдаланиш режаси ишлаб чиқилган. Қолаверса, турли саналар муносабати билан тарих, она тили, адабиёт, инглиз тили фанлари доирасида гуруҳлар ўртасида турли мавзуларда кўрик-танловлар, мушоира ва бадий кечалар ўтказиш анъанаси бор.

Шу маънода академик лицейда ўқув йили давомида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар, дарсдан ташқари ўтказилаётган тадбирлар ҳамда маънавий соатларнинг режаси ишлаб чиқилган. Педагог ҳодимларнинг маънавий-сиёсий онгини юксалтиришга бағишланган маънавий дарслари мунтазам ўтказилади. Бундай тадбирлар учун 250 ўринли фаоллар зали ва 40 қишга мўлжалланган маънавий ва маърифат хонаси мавжуд. Тадбирларда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаол иштироки нафақат ёшлар, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ота-оналари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Замон билан ҳамнафас

Кеча-ю кундуз китобга муқассидан кетиш тараққиёт, дегани эмас. Уни ҳаётга таътиб эта олиш, замон билан бақамти қадам ташлаш лозим. Ана шу вобасталик муваффақиятларини таъминловчи омилдир. Шу маънода академик лицейда ўқувчиларнинг чуқур билимга эга бўлиши ҳамда ўқув фаолиятини ривожлантириш учун Ахборот ресурсларига ташкил этилган бўлиб, унда барча сиёсий-бадий ва ўқув адабиётлари мавжуд. Ушбу масканда электрон дарсликлар ва турли дарс ишланмаларидан фойдаланиш мумкин. Таълим муассасасидаги 64 та ўқув ва ўқув-лаборатория хоналарининг барчаси талаб даражасида тўлиқ жиҳозланган.

— ТДЮИ Ахборот-ресурс марказидаги адабиётлардан лицей ўқувчилари тўлиқ фойдалана

нишини йўлга қўйиш мақсадида лицей Ахборот-ресурс марказида электрон дарсликлар каталогини ёки институт веб-сайтида махсус бўлим ташкил қилиш ниятимиз ҳам бор, — дейди лицейнинг жонқуяр ўқитувчиларидан бири Мақсуд Қоржовов.

Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш мақсадида 76 соатлик ўқув-курслари жорий этилган. Академик лицей ўқитувчилари ТДЮИнинг турдош кафедра ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ўқув-услугабий, илмий-амалий, ҳуқуқий ва турли маънавий тадбирлар ташкил қилади.

2007-2012 йиллар мобайнида фан олимпиадаларида академик лицей ўқувчиларининг 28 нафари фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Жумладан, 5 нафари фан олимпиадасининг 4-республика босқичида ғолиб бўлиб, ТДЮИга имтиёзли равишда қўшига қабул қилинган. 23 нафари эса фан олимпиадасининг Тошкент шаҳар босқичида совринли ўринларни қўлга киритган.

Бундан ташқари, Конституциямиз қабул қилинганга 20 йил тўлиши муносабати билан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Конституция ғоялари ҳамда қонуналарнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёш авлодини миллий парадигмаларини фаолиятга доир ахборотлар билан таништириб бориш мақсадида Қонунчилик палатаси томонидан ўтказилган "Парламентаризм билимдони" онлайн танловидан академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Рустамбек Саидов ғолиб бўлди.

Шунингдек, академик лицей ўқувчилари 2010-2011 ўқув йилида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунари таълими бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунари таълими муассасалари бўйича "Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқ тизими" мавзусида ўтказилган кўрик-танловда фахрли 1-ўринни эгаллаган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта-махсус таълим бошқармаси томонидан ўтказилаётган "Барҳаёт анъаналар" кўрик-танловининг шаҳар босқичида ҳам академик лицей ўқувчилари муносиб иштирок этиши ва совринли ўринини эгаллаб танловнинг республика босқичига йўлланма олган. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, "EXPOCONTACT", Республика "Камолот" ЕИХ, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунари таълими бошқармаси томонидан Республика Бадийи қўрғазмалар залда ташкиллаштирилган "Муътаассислик — сенинг келажакинг" номли кўрғазмада ҳам фаол иштирок этиб, ташкилотчиларнинг дипломи билан тақдирланган.

Бугунда келажак акси

Дарҳақиқат, бугунги кунга разм солсангиз, унда келажак

акс этади. Ёш йигит-қизларнинг саъй-ҳаракатлари, ғайрат-шижоатлари ҳам уларнинг тақдирини белгилаши турган гап. Бу эса, табиийки, мамлакат ва миллат келажакига дахлдор. Шу боис ҳам академик лицейда ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишларига жиддий

эътибор қаратилади.

Хусусан, ўқувчиларнинг қизиққан фанлари, спорт турлари ва танлаган соҳалари билан қўшимча равишда шугулланишларига шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда кўрик-танловларда муносиб иштирок этишлари учун фан, спорт тўғрисидаги ташкил этилган. 2012-2013 ўқув йилида академик лицейда 9 турдаги фан ва спорт тўғрисидаги фаолият юритаётган бўлиб, "Ёш тарихчилар", "Ёш ҳуқуқшунослар", "Назм гулшани", "Ёш физиклар" каби фан тўғрисидаги жами 210 нафар, футбол, волейбол, баскетбол, стол теннис, шахмат, шашка каби спорт тўғрисидаги 360 нафар ўқувчи жалб қилинган. Академик лицей ўзининг барча қўлайликларига эга замонавий спорт залига, ёғи футбол, волейбол ва баскетбол майдончаларига эга.

Ўз ўрнида ўқувчилар спортининг бир қанча турлари бўйича мусобақаларда иштирок этиб, катта ютуқларни қўлга киритганлар. Жумладан, 4 нафар ўқувчи жаҳон чемпиони, 6 нафари эса Осиё чемпиони ҳамда 50 нафарга яқини спортнинг бир нечта йўналишлари бўйича республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган.

Академик лицей ўқитувчилари томонидан ТДЮИ, ЎЗМУ, ТДПУ, ЎЗДЖТУ, ЎЗЖТИ каби бир қатор нуфузли олий таълим ва илмий таъдқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Маънавий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда Тошкент давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари академик лицей ўқувчи-ёшларининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришга қўмақлашиб келмоқда.

Қолаверса, хорижий тиллар кафедраси бир неча йилдан буюн юртимиздаги нуфузли олий таълим даргоҳлари билан шартномалар тузиб, тажриба алмашиб келмоқда. Академик лицейнинг АРМда кафедрага тегишли 500 дан ортиқ адабиётлар, электрон дарсликлар мавжуд бўлиб, ўқувчилар адабиётлардан тўлақонли фойдаланадилар.

Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, мухтаассисларнинг фикрича, замон талаблари асосида юридик таълимнинг ривожлантириш нафақат ҳуқуқшунослар, балки кенг жамоатчилик, талабаларнинг ҳам фаол иштирокини таъминлаётган механизмларни таъминлаштиришнинг пайти келди. Ҳуқуқий адабиётларни содда, барча учун тушунарли тилда тайёрлаш ва нашр қилиш, ҳуқуқий тарғиботни фақат маъруза ўқиш тарзида эмас, интерфаол усуллар, ҳаётий воқеаларни мустиқил шарҳлаш каби усулларда олиб бориш лозим. Ёш муҳими, педагогик жамоа мунтазам изланиш ва интилишда. Ана шу дахлдорлик ҳисси бугунгидек келажакда ҳам ўз мевасини бераверади.

Азиз НОРҚУЛОВ, журналист

Фикр

Ватанга муҳаббат

оиладан бошланади. Аммо...

ВАТАНГА муҳаббат, унинг чексиз гўзаллиги, буюк келажакка ишонч туйғуси дастлаб оиладан бошланади. Ватанга бўлган муҳаббат, аввало, инсон туғилмасдан она вужудида унинг маънавий озғуси билан шаклланади ва кейинчалик оилавий муҳит билан ҳамроҳанг шаклда ривож топиб боради.

ВАТАН туйғуси — муқаддас. Инсон Ватандан узоқлашганда эса бу туйғу қудратини қалбда ҳис қилади. Шунинг учун киши сафарга чиққанда кексалар қўларини дуога очиб, "Соғ бориб, омон қайт", деб фотиҳа берадилар.

Тарихга назар ташласак, бобокалонимиз Заҳририддин Муҳаммад Бобур ўз Ватанидан узоқдалигидан туғилган юрти ҳисобланмиш Андижоннинг қовунидан татиб кўрганида, Ватанини эслаб йиғлайди. Бир умр Ватан ҳисси билан қўйиб яшаган улғу шоир ва шох вафотидан олдинроқ ўз ҳокими Ватанига яқинроқ жойга дафн этишни сураган.

Маълумки, Ватани наога қиёс этишдади ва онанинг болага бўлган меҳрини, боланинг онага бўлган интилишини она Ватанга бўлган юксак муҳаббат туйғуси билан таққослашимиз мумкин. Барча замонларда ватанпарварлик туйғуси халқимизнинг ўзлиги билан ажралмас юксак туйғу бўлиб келган. Ватанга бўлган муҳаббат оиладан бошланар экан, биз оилаларимиздаги муҳитга алоҳида эътибор беришимиз ва фарзанд келажак учун етарлича қайғуришимиз лозим.

Оилани кичик ватан, дейи-



сон учун энг буюк туйғудир. Бу борада, давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай таъкидлайди: "...обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида, авваламбор, фаровонлик, тўқинчилик, мўл-кўлчилик, кут-барак, бозорларда арзончилик маъносини ўзида муҳассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги, деган биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда".

Маъруфжон ЭРҲАШЕВ, ТДЮИ ўқитувчиси, Амириддин АНОРБОЕВ, ТДЮИ талабаси

Хавф

Тутун ортидаги залолат

Хаётимизни заҳарлашга йўл қўйманг

МАЪЛУМКИ, юртимизда соғлом авлодни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа саналади. Бу эътиборга асосан амалга оширишда инсон ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир этувчи турли иллатларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга.

МАМЛАКАТИМИЗДА аҳолининг, айниқса, ёшларнинг саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш мақсадида алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини тартибга солувчи бир қатор ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан 2011 йил 5 октябрдаги "Алкоғол ва тамаки маҳсулотларини тарқатишни ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонун бу борадаги эътиборни янада жалдлаштиришга туртки бўлди.

Келинг, сўзимизни аввалда тамаки чекишининг инсон ҳаёти учун нечоғли хатарли эканлиги ҳақида тегишли мухтаассисларнинг маълумотига қўз ташласак.

Тамаки тутунидан 1000 дан зиёд кимёвий унсурлар мавжуд бўлиб, инсон организмиде фаолиятга бир қанча хатарли таъсир ўтказиши.

Уларнинг 43 дан ортиғи ўсма касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлади. 400 дан ортиғи эса токсик (заҳарли) моддалар сирасига кирилади. Смола, никотин, ис газли, кадимий, формальдегид, ацетон, бензол, мишьяк ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу заҳарли моддалар ўсма касалликлари (ўпка раки 90 фоиз), нафас аъзолари касалликлари (75 фоиз), юрак-қон томир касалликлари (юрак ишемика касаллиги 25 фоиз)нинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шунингдек, чекувчилар нафақат ўзининг, балки атрофдагиларнинг соғлиғига ҳам зарар етказиши.

Масалан, дунёдаги болаларнинг ярами иккиламчи тутун таъсирида заҳарланади. Бу эса болаларда респиратор касалликлар, пневмония, астма касаллигининг келиб

чиқиш эҳтимолини кучайтиради. Пассив чекиш эса бош оғриғи, қўз конъюктивасининг зарарланиши, бош айланиши, йўтал, томоқ қичиши, қўнғил айланиши каби ҳолатларга олиб келади.

Алкоғоли ичимликка ружу қўйган кишилар нафақат ўзининг, балки яқин кишилари, ота-она, фарзандларининг ҳаётига ҳам маънавий, ҳам моддий зарар келтиришини ҳар бировимиз ҳаётимиз давомида жуда кўп кузатганмиз. Бундай инсонлар ўз соғлиғи баробарида жамиятда тутган ўрни ва нуфузини ҳам аста-секинлик билан йўқота борадилар.

Бизнингча ҳам, соғлиғимиз бахт-саодатимиз кушандаси бўлган тамаки ва алкоғоли ичимликлар каби иллатларга қарши курашда миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз ва инсоний ҳислатлардан бири бўлган ирода энг ишончли таянч бўлмоғи даркор.

Феруза ХИДОЯТОВА, Шайхонтоҳур тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Сўраган

Эдингиз

Профилактик

фаолият

нима?

— Профилактик фаолият нима? Ички ишлар идоралари жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда асосан нимага эътибор қаратади?

Ш.БОТИРОВ, Тошкент шахри

— Ички ишлар идоралари жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда самарали фаолият олиб боришлари қуйидагиларга боғлиқ:

1) профилактика фаолияти субъектлари фаолиятини турли ташкил этишга; 2) уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берилишига; 3) улар билан ички ишлар идораларининг бошқа бўлинмалари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини самарали таъминлашга боғлиқ.

Жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг бир нечта ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, жиноятларнинг олдини олиш бўйича оператив вазифага мослашганда ҳамда асосий вазифалар ва усуллар билан таништиришда; иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашда ҳамда уларнинг қонунга итоатлигини шакллантиришда; учинчидан, жиноятларнинг олдини олишга тўқсонлик қилувчи ёлғон ахборотларнинг таъсирини йўқотишда; тўртинчидан, жиноятларнинг олдини олиш бўйича турли идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини бошқаришда намоён бўлади.

Профилактика фаолияти субъектларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишда ахборот ва ахборот технологияларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, жиноятлар ҳақида тўлиқ ҳамда аниқ бўлган ахборотлар жиноятларнинг олдини олишга оид ўтказилган чора-тадбирлар муваффақият гаровидир.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академиясининг жиноятларнинг олдини олиш кафедраси 4-босқич тинловчиси Санъат УМАРОВ жавоб берди.

чалғитганлиги учун

қўлланилади

тидаги муҳим фактлар, шу жумладан, қимматли қозғолар, акциялар номинал қиймати ўзгарганлиги тўғрисидаги асосий маълумотлар қўрсатилиши кераклиги назарда тутилган. Зеро, акциялар номинал қиймати ўзгарганлиги эмитент фаолиятидаги муҳим фактлар бўлиши мумкин.

Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият қиларидиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддаси, биринчи қисмига биноан жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшима акцияларни қўйлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

"Қимматли қозғолар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 49-моддаси, биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига мувофиқ қимматли қозғолар бозорида хийла-найранг ишлатиш тақиқланади.

Қимматли қозғолар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган қимматли қозғолар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, инвесторларнинг ҳамда қимматли қозғолар бозорининг иштирокчиларига нис-

матли қозғолар эгалларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Шунингдек, қимматли қозғолар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган қимматли қозғолар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг давлат бошқаруви органлари, қимматли қозғолар бозорининг иштирокчилари томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда қимматли қозғолар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган ҳолларда улар юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган ҳулосалар ва қўрсатмалар чикаради, қонунбузарликка нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ санкцияларни қўллаш ваколатига эга.

Қимматли қозғолар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда қимматли қозғолар бозорининг иштирокчиларига нис-

батан "Қимматли қозғолар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 55-моддаси, бешинчи хатбошисига мувофиқ инвесторлар, текширувчи органлар ва назорат қилувчи органларни атайин нотўғри маълумотлар тарқатиш (тақдим этиш) орқали чалғитганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда иқтисодий санкциялар қўлланилади.

Иқтисодий санкцияларни қўллаш суд томонидан, қимматли қозғолар бозорининг иштирокчилари содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқдор бўлган ва санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда эса қимматли қозғолар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан амалга оширилади.

"Қимматли қозғолар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 55-моддаси, иккинчи қисмига мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги активлари баланс қиймати суммасининг камида 20 фоизидан ортиқ миқдорда қўлланилган иқтисодий санкцияларни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътибор

ран олти ой мобайнида ойма-ой тенг миқдорда бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларининг талабларига эътибор берилмасдан, очик акциядорлик жамияти томонидан қимматли қозғолар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органига 2010 йил 1 январь ҳолатига тақдим қилинган бухгалтерия балансининг 040-сатри (қимматли қозғолар) ҳақида акцияларнинг номинал қиймати 224919800 сўм ўрнига 50398800 сўм, 2011 йил 1 январь ҳолатига тақдим қилинган бухгалтерия балансининг 030-сатри (юзқ мўддатли инвестициялар) ҳақида акцияларнинг номинал қиймати ва қирғилган инвестициялар ҳисоби 31817000 сўм ўрнига 317438000 сўм, деб нотўғри қўрсатилган. Бухгалтерия ҳисоботларида ўзгартирилган акциялар номинал қийматининг қўрсатилмаганлиги, очик акциядорлик жамияти томонидан нотўғри маълумотлар тақдим қилиш йўли билан инвесторлар ва назорат қилувчи органларни чалғитиш деб баҳоланади.

Айнан мана шу қонунбузулиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан очик акциядорлик жамиятига энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз баравари миқдорда иқтисодий қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган ва ушбу жаримани тўлаш ҳақида қўрсатма берилган.

Қимматли қозғолар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органининг ушбу ҳужжатлари (қарор ва қўрсатмаси) очик акциядорлик жамияти томонидан ихтиёрий ижро этилмаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази очик акциядорлик жамиятига нисбатан энг кам иш ҳақининг тўрт юз баравари миқдорда иқтисодий қўллаш қўллаш ва қўлланилган жарима суммасини ундан ундиришни сураб ҳўжалик судига ариза берган.

Биринчи инстанция суди очик акциядорлик жамиятига нисбатан ҳўжалик таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ҳўжалик ишнинг суд мажлисида кўриб чиқилганда ҳўқуқбузарлик ҳодисаси содир этилганлиги ҳолатини, мазкур ҳўқуқбузарликни содир этганлик учун "Қимматли қозғолар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 55-моддаси, бешинчи хатбошисига мувофиқ қимматли қозғолар бозорида қўллаш тўғрисидаги ҳўжалик ишнинг суд мажлисида кўриб чиқилганда ҳўқуқбузарлик ҳодисаси содир этилганлиги ҳолатини, мазкур ҳўқуқбузарликни содир этганлик учун "Қимматли қозғолар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 55-моддаси, бешинчи хатбошисига мувофиқ қимматли қозғолар бозорида қўллаш тўғрисидаги ҳўжалик ишнинг суд мажлисида кўриб чиқилганда ҳўқуқбузарлик ҳодисаси содир этилганлиги ҳолатини, мазкур ҳўқуқбузарликни содир этганлик учун "Қимматли қозғолар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 55-моддаси, бешинчи хатбошисига мувофиқ қимматли қозғолар бозорида қўллаш тўғрисидаги ҳўжалик ишнинг суд мажлисида кўриб чиқилганда ҳўқуқбузарлик ҳодисаси содир этилганлиги ҳолатини, мазкур ҳўқуқбузарликни содир этганлик учун "Қимматли қозғолар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг 55-моддаси, бешинчи хатбошисига мувофиқ қимматли қозғолар бозорида қўллаш тўғрисидаги ҳўжалик ишнинг суд мажлисида кўриб чиқилганда ҳўқуқбузарлик ҳодисаси содир этилганлиги ҳолатини, мазкур ҳўқуқбузарликни содир этганлик учун "Қимматли қ

